

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 87 (10.392)

2005 ЙИЛ 4 МАЙ

ЮРТИ ОБОД ЭЛНИНГ КЎНГЛИ ҲАМ ОБОД

XXI саҳоси
Барча маълумлардан
олинган сўяги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг мамлакатимиз ипакчилик тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги ва уни янада барқарор ривожлантиришни таъминлашга доир амалий чора-тадбирлар тўғрисидаги масалага бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва унинг қошидаги Хуқуқий мавзуда ёзадиган журналистлар ижодий кенгаши томонидан Жаҳон матбуот эркинлиги кўнига бағишлаб «Жамиятнинг демократлаштириши ва янгилаш жараёнида ОАВ ходимларининг ҳуқуқий билими ва маданияти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Италия Республикасининг Миллий прокурори - Мафияга қарши курашиш бўйича Италия миллий бюроси раҳбари Пьеро Луизи Винья ва унинг ўринбосари Луизи де Фикки кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлди.

● Самарқанд вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси, «Камолот» ЕИҲ билан ҳамкорликда «Ватаним тақдирини - менинг тақдирим» шиори остида ёшлар форумини ўтказди.

● Навоий шаҳридаги Электркимё заводида ҳозирда 20 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда. Корхонада яқиндан бошлаб суперфосфат ўғити ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.



Жаҳонда

● БМТнинг Нью-Йоркда жойлашган Бош қароргоҳида 180 та давлатдан келган вакиллар иштирокида оммавий қўриқин курулларини таркатмаслик борасида халқаро конференция иш бошлади. Ушбу халқаро анжуман деярли бир ой давом этади.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ҳиндистонга уюштирган сафари чоғида БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари сони кўпайтирилиши мумкинлигини таъкидлади.

● Гондурас давлати Президентининг самолёти Кариб денгизига қулаб тушди. Бироқ самолётда бўлган мамлакат Президенти Рикардо Мадуро ва унинг қизи Лорена фалокат жойига етиб келган қутқарувчилар томонидан қутқариб қолинди.

● Афғонистон пойтахти Кобулдан 120 километр шимолдаги Бағлан музофотида жойлашган ноқонуний ўқ-дори омборининг портлаши оқибатида 30 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди.



**МУСТАҚИЛЛИК
ЙИЛЛАРИДА
ЮРТИМИЗДА
БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ
ЎЗИ ДОЛЗАРБ
ҚИЛИБ ҚЎЯЁТГАН
КЎП-КЎП
МАСАЛАЛАР ҚАТОРИ
БУНЁДКОРЛИК ВА
ОБОДОНЧИЛИК
ИШЛАРИГА ҲАМ
КАТТА ЭЪТИБОР
БЕРИЛМОҚДА**

**АЙНИҚСА, АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ
ТОШКЕНТ** шаҳрининг янада обод бўлиб, барчамизнинг кўз ўнгимизда яшариб-лашнаб бораётгани таҳсинга сазовордир. Бу ерда амалга оширилаётган ишларнинг суръати ва кўлами ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди.

Бугун шаҳар маркази тубдан ўзгариб, янгича қиёфа касб этмоқда. Миллий ва жаҳон меъморчилиги ютуқларини ўзида мужассам этган мухташам Сенат биноси нафақат Мустақиллик майдонига, балки бутун пойтахтимизга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушганини юртдошларимиз ҳам, хорижлик дўстларимиз ҳам катта мамнуният билан эътироф этмоқда.

Мамлакатимизнинг бош шаҳри обрў-эътибори бутун дунёга таралиб, улкан ўзгаришлар ташаббускори Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, ҳақиқий «Шарқ дарвозаси» сифатида тан олинмоқда.

Албатта, бундай кенг кўламли курилишлар ҳар томонлама чуқур

ўйланган ҳолда амалга оширилмоқда. Бунда, аввало, халқимизнинг узок тарихи ва миллий анъаналарини, нафақат бугунги кун, балки олис келажакни, улкан шаҳарнинг ҳар томонлама ривожланиш истиқболларини инобатга олиб иш тutilмоқда.

«Ўйланмаган иш — келтирар ташвиш» деганларидек, бугун мустабид тузум даврида оқибатини ўйламасдан пала-партиш ва юзаки куриб ташланган иншоотларни олиб ташлаш ёки тубдан реконструкция қилишга тўғри келмоқда. Масалан, ўзининг бесўнақай қиёфаси билан бутун Мустақиллик майдонини тўсиб, унинг гўзал ва бетакорор меъморий манзарасини бузиб турган 19 қаватли маъмурий бино бугун қайтадан реконструкция қилинмоқда.

Жумладан, Тошкентнинг қоқ марказида, Мустақиллик майдони худудида жойлашган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам-узок йиллар давомида пойтахтимиз хусусига доғ бўлиб турган эди. Айниқса, Сенат биноси куриб битказилиб, илгари чўғ бўлиб ёниб ётган асфальт ва бетон билан қопланган бефайз

майдон ўрнида салкин фавворалар, кўркам дарахтлар, ям-яшил майсалар ва гуллардан иборат мафтункор боғлар вужудга келди. Унинг ён-атрофида кенг кўламли ободонлаштириш ишларининг бошланиши, шаҳримизнинг энг гавжум ва марказий кўчаларида бири — Ўзбекистон шоҳқўчасини кенгайтириш масаласи кун тартибига қўйилиши билан бу корхонани кўчириш кечиктириб бўлмайдиган заруратга айланди.

Бугун одам ўйлаб ҳайрон қолади: ахир, пойтахтнинг юзи бўлган, мамлакат миқёсидаги тадбирлар, байрам ва тантаналар ўтадиган, аҳоли сайр қилиб, дам оладиган Бош майдонимизда саноат корхонасининг ишлаб туриши қайси ақлга тўғри келади?

Тасаввур қилинг: Москванинг Кремль майдони ёки Пекиннинг Тяньаньмин майдонида, Вашингтондаги Оқ уй ёки Париждаги Елисей саройи ёнида қандайдир завод ишлаб турса, буни ўша мамлакатлар жамоатчилиги қандай қабул қилган бўларди?

Давоми 2-бетда.

9 май - Хотира ва қадрлаш куни

ФАҲРИЙЛАРГА ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашида 9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Жамғарма марказий кенгаши раиси Э.Бокибоев бошқарган тадбирда таъкидланганидек, урушда 1,5 миллионга яқин ҳамюртимиз иштирок этди. Қарийб 450 мингга яқин киши жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Юртбошимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-

1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисидаги шу йил 6 апрелдаги Фармонида мувофиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги» юбилей медали ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

Учрашувда сўзга чиққанлар уруш қатнашчилари ва ногиронларига кўрсатилаётган доимий гамхўрлик, ҳурмат ва эҳтиром учун мамлакатимиз Президентига чексиз миннатдорлик билдирдилар.

**Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси 2005 йил 6 май куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИККАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2005 йил 5 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ЮРТИ ОБОД ЭЛНИНГ КЎНГЛИ ҲАМ ОБОД

Давоми. Боши 1-бетда.

Орадан шунча вақт ўтган бугунги кунда беихтиёр шундай савол туғилади: Ўзбекистон ССРнинг собиқ раҳбарияти пойтахтнинг айна марказида ишлаб чиқариш корхонаси қуришга қандай қарор қилишди экан? Ахир қурилиш учун марказдан ташқарида, санаот ҳудудларида бўш ерлар жуда бемалол эди-ку?!

Маълумки, тараққий топган мамлакатларда одамлар кўнгилли хордиқ чиқарсин, тоза ҳаводан эркин нафас олсин, деган мақсадда дам олиш кунлари йирик шаҳарларнинг марказий қисмида транспорт қатнови чеклаб қўйилиши одатий бир ҳолдир. Қолаверса, ҳозирги замон шаҳарсозлик маданияти талабларига кўра, ишлаб чиқариш корхоналари аҳоли яшаш жойларидан узоқда, чекка ҳудудларда барпо этилади.

Бизнинг пойтахтимизда, хусусан, Бош майдони-мизда эса, кўп йиллар давомида санаот корхонаси фаолият юритиб келди. Хайратланарли жиҳати шундаки, 1962 йилда барпо этилган бу корхона асосан кишлоқ хўжалиги учун зарур техник асбоб-ускуна ва механизмлар тайёрлаб беришга ихтисослашган эди. Яъни, уни айнан пойтахт марказида қуришга ҳеч қандай зарурат ҳам, ҳолат ҳам йўқ эди. Бу шаҳарсозлик маданияти, пойтахтнинг иқтисодий тараққиёти ва хўжалик эҳтиёжи, экологик тозаллиги нуктаи назаридан ҳам мутлақо нотўғри ечим эди.

Ўзингиз ўйланг: «Технолог» корхонасига ўрнатилган баҳайбат пресс-машиналар шаҳарнинг қоқ марказида гуриллаб ишлаб турса, буни қандай баҳолаш мумкин? Мутахассисларнинг айтишича, корхона биносининг асосан учинчи ва тўртинчи қаватида жойлаштирилган бу зил-замбил дастгоҳлар шу ерда ишлайдиган юзлаб ишчилар, яқин-атрофдан ўтадиган одамлар ҳаёти учун ҳақиқий хавф-хатар манбаи бўлган.

Энг ёмони ва аксарият шаҳар аҳлини қийнайдиган масала — бу корхонанинг бесўнақай биноси «Ўзбекистон» шохқўчасининг бир қисмини бутунлай ёпиб қўйган эди. Йўл айнан шу бинога келиб тақалганда, кескин буралиб, қатнов оқими дафъатан ўзгариб, ҳайдовчиларга ҳам, пидёларга ҳам кўп ташвиш туғдирад эди.

Мана шуларнинг ҳаммасини инobatга олган ҳолда, ҳозирги вақтда «Технолог» корхонасини бошқа жойга кўчириш жараёни охирига етказилмоқда.

Президент Ислам Каримов Тошкент шаҳридаги қурилиш ишлари билан навбатдаги танишув чоғида шу масалага шаҳар раҳбарияти, қурувчилар, умуман, жамоатчилик эътиборини жалб этмагунига қадар, тан олиш керакки, бу корхонанинг Мустақиллик майдонида жойлашуви қанчалик муаммолар туғдиришини кўпчилик яхши билмас, англамас эди.

Тошкент шаҳрида, бутун юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга бош-қош бўлиб келаётган Юрт-бошимиз бу масалага атрофлича ва чуқур ёндашган ҳолда, уни Тошкент шаҳрининг марказий қисмини ободонлаштириш ва реконструкция қилиш ишлари билан бир бутун ҳолда ҳал этиш лозимлигини таъкидлаб, амалий йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда бу ердаги ободонлаштириш ишлари Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида, Миллий боғ, «Бешёғоч» майдони, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи ва бошқа ҳудудларда амалга оширилаётган кенг кўламли реконструкция ишлари билан уйғун ҳолда бажарилмоқда.

Бу ишлардан кўзланган асосий мақсад — аввало, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига қулайлик яратиш, пойтахтимизни Шарқнинг энг кўркამ ва гўзал шаҳрига ай-



лантиришдан иборатдир.

«Технолог» корхонасини бошқа жойга кўчириш ва бу ҳудудни ободонлаштириш бўйича қилинаётган ишлардан шаҳар аҳли мамнун бўлмоқда.

«Бу ердаги кўчани кесиб ўтиш илгари жуда хавфли эди, — дейди Юнус Ражабий маҳалласи оқсоқоли Михаил Митрофанович Киктев. — Одамлар 15-20 дақиқачага йўлдан ўтолмасдан қолиб кетарди. Чунки дафъатан қайси томондан машина келиб қолишини билиб бўлмасди. Болаларни-ку қўяверинг. Биз уларнинг бу йўлдан қандай ўтишини ўйлаб, юрак ҳовучлаб ўтирардик... Мухташам Сенат биноси барпо этилиб, пойтахтимиз марказидаги Мустақиллик майдонининг қиёфаси тубдан ўзгарганидан сўнг «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг биноси янада хунук кўрина бошлади, — дейди у, — шунинг учун ҳам уни олиб ташлаш зарурати туғилди».

Минг-минглаб ҳамшаҳарлар Ўзбекистон шохқўчаси кенгайтирилаётгани, музаам Мустақиллик майдони бутун чиройи билан кўзга яққол ташланиб турадиган тарзда очилиб бораётганидан беҳад хурсанд бўлмоқда.

«Ўзавтойўл» давлат концернининг уста-бригадири Махмуд Солихонев эса яқин кунлар ичида Ўзбекистон кўчаси кенгайиб, замонавий талабларга жавоб берадиган ҳақиқий магистраль йўлга айланиши, унинг икки тарафидаги йўлақлар тартибга келтирилиб, ободонлаштирилиши транспорт қатнови учун катта қулайликлар туғдириши ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Илгари кўча ва йўлақлар у ёқда турсин, ҳатто одамлар эркин нафас олиши лозим бўлган майдон ва хиёбонларга ҳам асфальт, бетон ётқизиш ташланар эди. Бугунги кунда бундай хато-камчиликларга барҳам берилиб, пойтахтимизнинг барча мавзе ва майдонларида, айниқса, марказий қисмида ашиқ ҳудудлар, боғ ва хиёбонлар барпо этилаётгани эл-юртимизга маъқул бўлмоқда.

Президентимиз Тошкентни «Муқаддас остонамиз» деб таърифлагани бежиз эмас. Чунки згулиги ва ободлик остонадан бошланади. Шу маънода, бугунги кунда азим Тошкентимиз — муқаддас остонамизнинг дунёнинг нуфузли шаҳарлари билан беллашадиган даражада обод бўлиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Абдувоҳид ҲОТАМОВ,
«Народное слово»
муҳбири.
(«Халқ сўзи» дан олинди).

ПОЙТАХТНИНГ Сир кўни

Янгиликлар, воқеалар

Кўсқа

- **БУГУН** Сергели туман «Оила» марказида «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» сардорлари иштирокида «Балли йигитлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.
- **ЭРТАГА** Миробод туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказиладиган тадбир — Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланади.
- **ЎТГАН** кўни Юнус Ражабий номли маҳаллада Яққасарой туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, туман «Оила ва аёл» маркази, туман ФХДЕ бўлими ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «Оила аъзоларининг тиббий маданиятини ошириш» деб номланди.
- **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Сервис» тўйхонасида Сергели туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишлаб ЭРТАГА ўтказиладиган тадбирда тумандаги уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этишади.
- **289-МАКТАБДА** «Камолот» ЕИХ Бектемир туман Кенгаши ташаббуси билан ўқувчиларга «Гиёвандликнинг салбий оқибатлари» деб номланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.
- **ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР** маданият саройида мактаблар ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Ўзбекистон кўшиқ байрами» кўрик-танловининг туман босқичи Миробод туман халқ таълими бўлими ҳамда «Камолот» ЕИХ Миробод туман Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилди.
- **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Нуроний» шифохонасида Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийларининг ёшлар билан учрашуви ташкил этилди.
- **284-МАКТАБДА** «Камолот» сардорлари ва етакчилари иштирокида ўтказилган ўқув семинари «Камолот» ЕИХ Сергели туман Кенгаши томонидан уюштирилди.
- **МАЪНАВИЯТ** ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан тумандаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар Самарқанд шаҳрига сафар қилишди.
- **ЖАҲОН** иқтисодийети ва дипломатия университетидида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.
- **КАМОЛОТ** ЕИХ Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан Тошкент Вестминстер университетига мактабларнинг «Камолот» етакчилари саёҳат қилишди.
- **ТОШКЕНТ** кимё-технология институти қошидаги лицейда Сихат-саломатлик йили муносабати билан ўқувчилар ўртасида футбол бўйича лицей кубоғи мусобақалари ўтказилди.
- **СОБИР** Рахимов туманидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ташаббуси билан «Ёшлик» гузариди бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.
- **АКМАЛ** Иқромов туманидаги 16-муסיқа мактабида 2004-2005 ўқув йили яқунланаётганлиги муносабати билан мазкур мактаб ўқувчиларининг ҳисобот концерти ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.





ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРАДИ

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА НАМОЙИШ ЭТИЛАЁТГАН МАКТАБ
ЖИХОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ТААССУРОТЛАРИ

Ўзлуксиз таълим тизимининг асосий пойдевори мактабдан бошланади, десак адашмаган бўламиз. Республикаимиз Президентини ташаббуслари билан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилингани эса бунинг яққол тасдиғидир.

Унга асосан умумтаълим мактабларининг биналари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилишдан ташқари, бу йўналишдаги ўқув юртлирини замонавий ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, таълим андозалари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш, умумтаълим мактаблари моддий-техник негизини мустаҳкамлаш орқали спортни ривожлантириш кўзда тутилган. Қуни кеча «Ўзэкспомарказ» Республика савдо-кўргазмалар марказида очилган мактаб жиҳозлари кўргазмаси ушбу дастурнинг жойларда нечоғли амалга ошириладиганидан далolat беради.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича режага мувофиқ мавжуд 332 та умумтаълим мактабларидан 265 таси 2004-2009 йилларда капитал қурилиш, капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш билан қамраб олинган бўлиб, 2004 йилда Давлат дастурига киритилган 11 та мактаб капитал, 18 та мактаб жорий таъмирланди. Ўқув юртлирини жиҳозлаш учун 337,6 миллион сўмлик мебель, 145,0 миллион сўмлик компьютер техникаси олинди, мактабларга етказилди.

2005 йилда эса мактаб учун олинadиган жиҳозларнинг миқдори ва турлари ортмоқда. Хусусан, мебель ва офис жиҳозлари учун — 209 миллион сўм, ўқув-лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш анжомлари учун — 313 миллион сўм, компьютерларга — 196 миллион сўм, спорт анжомлари ва жиҳозларига — 54 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини

ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги ҳамкорлигида 2005 йилда умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан таъминлаш тўғрисида давлат буюртмаси ишлаб чиқилди ва ўқув муассасаларини жиҳозлаш бўйича тендер эълон қилинди. «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган мактаб мебели, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари кўргазмасида маҳсулотлари ҳар томонлама мақбул деб топилган «Эл-холдинг», «Файз-холдинг», «Иттифоқ» каби 47 та ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлар иштирок этмоқда.

Шу кунгача кўргазмага қўйилган маҳсулотлар билан биргина Тошкент шаҳридан 9,5 мингдан зиёд ўқитувчи ва ўқувчилар танишишга муваффақ бўлди. Таъкидлаш лозимки, уларнинг мебель ва бошқа жиҳозлар бўйича фикрлари дастлабки кўнларданок ўрганилиб борилмоқда. Бундан боиси, Ўртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, келгусида бу жиҳозлардан ўқувчи ва ўқитувчилар фойдаланар эканлар, айнан уларнинг ўзлари буюртмачи бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Президентини Ислom Каримов кўргазма билан танишишлари чоғида ўзларининг қимматли тақлиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳозирда шаҳар Халқ таълими бош бoшқармаси томонидан 300 га яқин фикр ва тақлифлар таҳлил этилиб, бу борадаги ишларни татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик ўрнатилиш режалаштирилмоқда.

Анвар ЗОКИРОВ,
Тошкент шаҳар Халқ таълими
бош бoшқармаси бошлиғи

ДОЛЗАРБ САВОЛЛАРГА ТЕЗКОР ЖАВОБЛАР

Маълумки, Халқ таълими вазирлиги томонидан пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да «Мактаб мебеллари, замонавий ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш» кўргазмаси иш бошлаган. Президентимиз мазкур кўргазмада бўлиб, ўзларининг қимматли тақлиф-мулоҳазаларини билдирди ва бу жараёни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш лозимлигини таъкидлаган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг маориф, халқ таълими бўйича сайланган аъзоларининг йиғилиши ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги ҳамкорлигида 2005 йилда умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан таъминлаш тўғрисида Давлат буюртмаси ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан 2005-2009 йилларда Давлат умуммиллий дастурига киритилган жами 8 минг 476 та мактабларни ўқувчилар партаси, синф доскаси, ўқитувчилар столи ва стули, китоб жавони, кийим жавони ва бошқа мактаб мебеллари, шунингдек физика, химия ва биология хоналари лабораторияларини, компьютер синфлари, лингафон хоналари, тасвирий санъат ва чизмачилик хоналари, устaxonаларни зарурий анжомлар ҳамда кўргазмалар ўқув қуроллари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

2005 йилда Дастурга биноан умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун 41 миллиард 910 миллион сўм маблағ бюджетдан ташқари Мактаб таълими ривожлантириш жамғармаси томонидан молиялаштирилиши режалаштирилган.

Йиғилишда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди. Келгусида амалга ошириладиган ишлар режалаштирилди.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

ПОЙТАХТ КЎЧАЛАРИ ВА МАКТАБЛАРИНИНГ ЯНГИ НОМЛАРИ

Топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика ва шаҳар комиссияларининг тақлифларини инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан куйидаги кўчалар, шунингдек мактаблар номлари тартибга келтирилди ҳамда пойтахтда олиб бoриладиган қайта таъмирлаш ва қурилиш ишлари натижасида ташкил топган янги кўчаларга исмлар берилди.

Маъзиларнинг ҳозирги номи	Янги номи	Изоҳ
Белонажко кўчаси	Юзрaбот кўчаси	Мирзо Улугбек тумани. Жой ўрнида аввал Юз қишлоғи бўлагиниғи ишора қилинмоқда.
Ботир Зокиров кўчаси	Сақичмон кўчаси	Собир Раҳимов тумани, «Сақичмон» маҳалласи. Жойнинг тарихий номи. Сағбон ва Беруний кўчалари оралиғидаги кўча.
Абай кўчаси (кўчанинғ Туроб Тула кўчасидан Навоий кўчасигача бўлган қисми)	Ботир Зокиров кўчаси	Б.Зокиров — Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек эстрада санъатининг асосчиси. Чилпонор ва Шайхонтоҳур тумани.
Очил Бобоқовон кўчаси	Шимолий Олмазор кўчаси	Собир Раҳимов тумани, «Шимолий Олмазор» маҳалласи. Жойнинг тарихий номи. Кичик халқа йўли ва Уста Ширин кўчаси оралиғидаги кўча.
Яккасарой туманидаги «Миробод» маҳалласи (шу нома Миробод туманида маҳалла мавжуд)	Ҳамид Сулаймонов номидаги маҳалла	Яккасарой тумани. Ҳ.Сулаймонов (1910-1983), Йирик адабиётшунос ва навоийшунос олим. Шу маҳаллада яшаган.
Дежнёв кўчаси	Минор кўчаси	Юнусобод тумани, «Минор» маҳалласи. Жойнинг тарихий номи. «Минор» қабристонини орқасида жойлашган кўча.
Элбурз кўчаси	Элбод кўчаси	Юнусобод тумани, «Минор» маҳалласи. Раҳий маънода. Семашко номидаги соғломлаштириш маркази ёнидаги кўча.
Иван Федоров кўчаси	Ниезбек йўли 2-кўчаси	Юнусобод тумани, «Турон» маҳалласи. Туташ бўлган асосий кўча номи билан уйғуллаштириш мақсадида.
Кабдулов кўчаси	Олай базори берк кўчаси	Юнусобод тумани, «Турон» маҳалласи. Олай базори ёнида. Айни пайтда автотранспорт воситаларининг тўхташ жойи сифатида фойдаланилмоқда.
Тошқўжаев кўчаси	Файзобод 9-кўчаси	Миробод тумани, «Файзобод» маҳалласи. Жойнинг аввали номига тиклаш мақсадида.
Тошқўжаев кўчаси	Файзобод 11-кўчаси	Миробод тумани, «Файзобод» маҳалласи. Шу номаги 10-тор кўчасига туташ бўлгани учун.
Тошқўжаев кўчаси	Файзобод 12-кўчаси	Миробод тумани, «Файзобод» маҳалласи. Туташ кўча номларини уйғуллаштириш мақсадида.
Ктm Пен Ха кўчаси	Янги Қўйлик кўчаси	Миробод ва Сергели туманлари. Қўйлик 2,4,5-маъзалари орасидаги кўча.
Номсиз кўча	Лайлитўғон кўчаси	Шайхонтоҳур тумани, «Гулбод» маҳалласи. Жойнинг тарихий номи. Беруний ва А.Хўжаев кўчалари оралиғидаги кўча.
Янги ташкил топган кўча	Белтепа кўчаси	Шайхонтоҳур тумани, «Белтепа» маҳалласи. Жойнинг тарихий номи. «Белтепа» маҳалласидаги 12-трамвай йўналишидаги янги кўча.
Янги ташкил топган берк кўча	Белтепа 1-берк кўчаси	Шайхонтоҳур тумани, «Белтепа» маҳалласи. Шу номадаги асосий кўчага туташ бўлгани учун.
Янги ташкил топган берк кўча	Белтепа 2-берк кўчаси	Шайхонтоҳур тумани, «Белтепа» маҳалласи. Шу номадаги асосий кўчага туташ бўлгани учун.
Янги ташкил топган берк кўча	Белтепа 3-берк кўчаси	Шайхонтоҳур тумани «Белтепа» маҳалласи. Шу номадаги асосий кўчага туташ бўлгани учун.
З.Мақрумов номидаги 83-сонли мактаб	83-сонли мактаб	Шу нома Акмал Икромов туманида кўча мавжуд.
Ғ.Абдуллаев номидаги 271-сонли мактаб	271-сонли мактаб	Шу нома Юнусобод туманида кўча ва маҳалла мавжуд.
Муса Жалил номидаги 58-сонли мактаб	58-сонли мактаб	Шу нома Мирзо Улугбек туманида кўча мавжуд.
Н.Қаҳҳоров номидаги 267-сонли мактаб	267-сонли мактаб	Шу нома Сергели туманида кўча мавжуд.
У.Мақмудов номидаги 268-сонли мактаб	268-сонли мактаб	Шу нома Сергели туманида кўча мавжуд.
Ж.Обидова номидаги 164-сонли мактаб	164-сонли мактаб	Шу нома Юнусобод туманида кўча мавжуд.
В.Чкалов номидаги 149-сонли мактаб	149-сонли мактаб	Шу нома метро бекети ва авиалиния ишлаб чиқариш бирлашмаси мавжуд.
А.Ермухамедов номидаги 118-сонли мактаб	118-сонли мактаб	А.Ермухамедов шахсининг мактабга алоқаси бўлмаганлиги учун.
А.Муродқўжаев номидаги 23-сонли мактаб	23-сонли мактаб	Шу нома Собир Раҳимов туманида кўча мавжуд.
А.Юнусов номидаги 234-сонли мактаб	234-сонли мактаб	Шу нома Собир Раҳимов туманида кўча мавжуд.

Шарқ дурдоналари



● Эй азиз, агар сен ўзгалардан яхшилик кўрай десанг, фақат яхшилик қил! Бу ҳақда шундай дейишган:

Дунёда топаён

десанг омонлик,
Бировга заррача
қилма ёмонлик!

● Букрот ҳақим шундай деган эди:

— Билмаган нарсангни билладигандек гапирма, керак бўлмаган нарсани қидирма, билмаган ва синашта бўлмаган йўлдан юрма, яхши сўз бир гавҳарки, у ҳеч вақт ўзгармайди, қилган ёмон ишларингга қайғурки, бундай ишдан афсусланмаслик яна баттарроқ хато қилишга олиб келади.

Шерр:

Агар сендан хато юз

берса ундан кўп
надомат чек,

Хатодан кимки ибрат

олмаса кўп

хато қилгай!

● Эй фарзанд, ҳеч қачон бадгумон ва эгри фикр бўлма! Билгинки, бадгумонлик сени барча дўстларингдан узоқлаштиради ва ёлғизлаб қўяди.

● Чақимчи шундай кишики, бирор ерда шитган гапини дархол бошқа одамга бориб айтади, натижада икки одам орасида фитнес тугдиради. Покдил киши бировдан эшитган гапни бировга айтмайди. Жимлик ва сукут йўлини ихтиёр этади. Агар унга биров гап ташлаб келса унинг гапига ишонмайди, чақимчи танбеҳ беради ва иккинчи марта бундай иш қилмасликка даъват этади.

● Тўғри сўз киши барчанинг эътиборини қозонади. Яхши ишдан янада улуғроқ мартабалаarga тавсия этилади. Кадр-қиммати ортади, ҳамма ерда сўзи макбул бўлади. Ёлгончи эса аксинча, бу нарсаларнинг барчасидан маҳрум бўлиб, унинг орқасидан одамлар нафрат билан қарашади. Ёлгончи ёлгон сўзи билан ўзгаларнинг оғриқини тўқмоқчи, ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчи бўлади. Ваҳоланки, унинг ёлгон сўзлари ўзи учун қони зарар бўлиб чиқади.

● Эй азиз, билгинки, одамзот дунёда қўлида бориға қаноат қилиши лозим. Шундагина у одамларга таъма қўлини чўзмайди. Кимки керагидан ортиқча нарсани қидириш пайида бўлса меҳнатлар домига тушади. Бесабрлик ва таъма олови уни хорлик кўчасига иргитиб ташлайди, одамларнинг назаридан четда қолади. Натижада ундай киши надомат тўриға ва маломат ўқиға дучор бўлади. Билгинки, таъма барча балоларни келтирувчи ва жумлаи офатларни кўзгатувчидир.

● Ҳасадчи киши одамларнинг шод ва хушхоллигидан доимо ғам чекади ва алам тартади. Ҳа, дунёда ҳасад ва бахилликдан кўра ёмонроқ дарду алам йўқ! Шундай экан сен бундай кишилардан узоқ юр, уларнинг суҳбатидан қоч!

Назм:

Дармон қабул қилмас

иллатдир ҳасад,
Ҳасадчининг доим

ғамидир беҳад!

● Кишининг ўз нафсидан қочиши иртқич шердан қочгандан фойдали.

Эл бошиға иш тушса эр йигит четда тура олмайди. Уруш юртдошларимизнинг уйи, оиласи, маҳалласи, элиға раҳна солғач, улар ҳам кўлларига қурол олиб, фронтга отландилар. Уша оловли йилларда 1,4 миллион кишидан кўпроқ ўзбекистонлик фашист босқинчиларига қарши жангларда иштирок этганликларини ёдга олсак, уруш амалда юртимиздаги ҳар бир хонадонни ўз домиға тортганлигини аниқлаймиз. Ахир бу вақтда республикамиз аҳолиси 6,5 миллион кишини ташкил этар, яъни аслида кўлиға қурол тута оладиган ҳар бир ўзбек ўғлони жанговар ҳаракатларға сафарбар этилганди.

Инсоният тарихида мисли кўрилмаган бу қирғинбарот, ҳаёт-мамот жангларида улар ҳеқис жасоратлари, мардликлари билан Алпомиш, Мангуберди, Амир Темурнинг муносиб авлодлари эканликларини исботладилар. Москва ва Сталинград, Курск ва Белоруссия, Украина ва Болтиқбўйи учун бўлган жанглар иштирокчилари ўзбек аскар ва зобитларининг душман билан йўлбарсдек олишиб, ўз номлари, юртдошлари, эллари номини шон-шухратға бурқанглиқларига неча бор гувоҳлик берганлар, бу ҳақда алоҳида завқ-шавақ ила хикоя қилганлар.

Аммо душман ҳам қучли, тиш-тирноғиға қуролланган, айёр ва абжир эди. Шунинг учун босиб олинган шаҳар ва қишлоқлардан уни қувшиб, энгиш ва таслим қилиш катта қурбонлар талаб қилди. Урушда 450 минг нафар юртдошимиз жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. 600 минг нафар аскар ва зобитларимиз эса фронтдан ногирон бўлиб қайтидилар.

Фронт орқасидаги аҳоли учун ҳам бу йиллар жуда оғир синов даври бўлди. Уруш бошланган дастлабки ойлардаёқ 100 дан ортиқ корхона Ўзбекистонға кўчириб келинди. Кўп ҳолларда яланг майдонға олиб келинган дастгоҳларни дархол ишға тушириш, фронт эҳтиёжи учун қурол-аслаҳа, бошқа зарур нарсалар ишлаб чиқаришни бошлаб юбориш талаб этиларди.

Ҳамюртларимиз бу вазифани аъло даражада удаллашди. Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа жойлардан кўчириб келинган корхоналарнинг тенг ярми — 50 таси 1941 йил охириданок фронтға маҳсулот жўната бошлади. Яна ярим йилдан сўнг эса барча кўчириб келинган завод

ва фабрикалар тўла қувват билан ишлаб бошлади.

Айни пайтда республика саноати ҳам ҳарбий изға кўчирилди. Урушининг биринчи йилидаёқ Ўзбекистондаги 300 га яқин корхона қурол-яроғ ишлаб чиқаришға мослаштирилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 63 та корхона мудофаа учун маҳсулотлар ишлаб чиқарар эди.

Ҳарбий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда 13 соатлик иш куни жорий этилди: меҳнат таътиллари бекор қилинди. Қурол ушлашға қодир ҳамма эркаклар ҳарбий

миллион сўм пул, 22 миллион сўмлик қимматбаҳо буюмлар, 56 килограмм нодир металл ҳам тўплаб бердилар.

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, буюк ғалабани буюк жасоратли инсонлар таъминлади. Уларнинг ҳар бири ҳеқис ҳурмат-эътибор, эҳтиромға муносиблиғи шак-шубҳасиздир.

Республикамиздаги уруш қатнашчилари ва ногиронлар, фронт орқаси меҳнатқашлари бу эъзоз, ғамхўрликни ҳаммаша хис этиб келмоқдалар. Бизда иккинчи жаҳон уруши ҳар бир қатнашчининг номи ҳам, жасорати ҳам мангуликка дахлдорлиғи амалий ишларда ўз ифодасини топмоқда. Урушға сафарбар этилган ҳар бир юртдошимиз ҳақида аниқ маълумотлар тўплаганиб, уларға бағишланган «Хотира китоби» тўпламлари чоп этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни, деб эълон қилинди. Пойтахт Тошкент, Қоралпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари, шаҳар ва туманларида Хотира майдонлари барпо этилди. Улар бугунги кунда муқаддас зияратгоҳлар, ўзига ҳос тарбия масканларига айланган. Бу ерға ташриф буюрганлар инсоннинг қадри ва хотираси муқаддас эканлигини бутун вужудлари билан хис этадилар.

Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш куни арафасида уруш қатнашчилари ва ногиронларни тақдирлаш ҳақида давлатимиз раҳбарининг Фармони қабул қилинади. Уларнинг кўпчилиғи «Жасорат» ва «Шўҳрат» медаллари билан тақдирланган.

Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиғи нишонлиғи муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларни муқофотлаш тўғрисида»ги Фармонида ҳам уларни тантанали вазиятда юбилей медаллари ва пул муқофотлари билан тақдирлаш кўзда тутилган. Республикамизнинг ҳар бир минтақаси, шаҳар ва қишлоқларида бу фахрийларимизни эъзозлаш тадбирлари бошланди.

Машвум уруш замбарақлари овози ўчганлиғиға ҳам мана олтиш йил бўлди. Миннатдор авлодлар бу ғалабани жанггоҳларда ва фронт орқасида туриб таъминлашға буюк ҳиссаларини қўшган ҳар бир юртдоши мардлиғи, жасорати, фидойилиғиға қайта-қайта таъзим бажо келтиради, улар хотираси олдида бош этади.

Олидёр ЭРКИНОВ

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

**СИЗГА ТАЪЗИМ,
СИЗГА ЭҲТИРОМ**

Баҳорнинг энг сўлим палласи — май ойининг боши инсоният тарихи зарва-рақларида иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалаба кунни билан мангу муҳрланган. Қарийб тўрт йил давомида жон олиб жон бериб, қон тўкиб ва қон кечиб, чекиншиш аламини оғир талофотларни ҳам, шиддатли ҳужумлар ва ғалаба нашидасини ҳам бошидан ўтказган аскарнинг ўша кунлари Берлинда галабаси сафида эканлиғидан нақадар мағрур ва бахтиёрлигини тасав-вур қилса бўлади.

хизматға сафарбар этилганлигини назарда тутсак, фронт эҳтиёжларини қондиришнинг ҳамма машаққатлари қаҳрамон хотин-қизларимиз, ёшлар ва қариялар зиммасиға тушганлигини янада аяқроқроқ хис этамиз. Фронт орқаси захматқашларининг урушининг иккинчи йилиёқ ялпи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни икки бараварға кўпайтирганликлари оммавий матонат ва меҳнат жасоратининг ёрқин ифодаси эмасми.

Иккинчи жаҳон урушидан илгарироқ Тошкент — нон шаҳри номиға сазовор бўлганлиғи яхши маълум. Биргина пойтахтимиз эмас, барча халқимиз ҳам ўзбекларға ҳос одамийлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат юксак фазилатларини намоеён этдилар. Бу даврда республикаға 1 миллиондан ортиқ киши, шу жумладан 200 минг нафар бола кўчириб келтирилди. Уруш туфайли шундай ҳам дастурхони кемтик бўлган юртдошларимиз охириги бурда нонини, сўнгиги кийимини жабрдийдалар билан баҳам кўришди, уларға уйлари тўридан жой беришди. Ўзбек оилалари 4500 болани фарзанд қилиб олди. Ўнлаб етимларни оқ кийдириб, оқ тарваған темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов, каттакўрғонлик Ҳамид Самадов, самарқандлик Фотима Қосимова оилалари ва бошқа саҳий қалбли кишилар чинакамийа юксак инсонийлик ва бағрикенглик намуналарини кўрсатдилар.

Уруш даври муҳтожликлари ва қийинчиликлариға қарамасдан юртдошларимиз мудофаа жағмарасми ҳисобиға 650

БРЮССЕЛДАГИ АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР

Брюсселда Фламанд экспорт агентлиғида Тошкентда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича сармоя лойиҳалари тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон пойтахти бошқарува ва ишлаб-чиқариш бўлиналари раҳбарлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари делегацияси иштирок этди. Бельгия томонидан Фландриянинг йигирмадан ортиқ компания ва фирмалари қатнашди.

Фландрия минтақаси индустриясининг асосий секторини кимё саносати, машинасозлик ва энгил саноат ташкил қилади. Масалан, бу ерда йилиға бир миллион донаға яқин автомобиль йиғилади. «Форд», «Женерал Моторс», «Вольво», «Фольксваген» каби йирик автомобиль компаниялари Фландрияда ўз заводлариға эға. Фламанд ишбилармонларининг Ўзбекистон бозоридаги иштироки фаоллашмоқда. «Луис Дрейфус Коттон Интернейшнл» компанияси сўнгиги ўн йилда 500 минг тонна ўзбек пахтасини харид қилган, «Макс Интермодел системз» компанияси эса Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқаро юк ташин бозорида муваффақият билан иштирок этапти.

Тақдимот маросимида сўзға чиққан Ўзбекистон Олий Мажлиси сенатори, Тошкент шаҳар ҳохими ўринбосари Ф.Абдураҳимова, мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчиси В.Норов, пойтахт ҳохимлиғи иқтисодиёт

бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Г.Исмоилхўжаев бельгиялик иштирокчиларға республиканинг ўтган йилги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти яқунлари, хорижий сармоядорлар ва тадбиркорларға яратилган шароит ва имтиёзлар ҳақида батафсил ахборот беришди. Тошкентнинг республика ишлаб-чиқариш кучларини ривожлантиришдаги аҳамияти, унинг илмий ва маданий салоҳияти, халқаро иқтисодий алоқалариға алоҳида урғу берилди.

Фламанд экспорт агентлиғи Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан алоқалар бўйича директори М.Бюрлен ва Ўзбекистонда 1997 йилдан бери фаолият юритиб келаётган «Ахлер Логистикс» компанияси менежери Э.Де Бекер мамлакатимизнинг 2004 йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари, Ўзбекистон ҳукумати томонидан хорижий компания ва сармоядорлар фаолияти учун яратилган қулай имкониятларни юқори баҳолаш-

ди. Ҳозир мамлакатимизда Бельгиялик тадбиркорлар иштирокида 10 та корхона ташкил этилган, улардан саккизтаси қўшма корхона, иккитаси эса юз фоиз Бельгия капиталига асосланган. Ўтган йили Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги товар айирбошлаш 72,6 млн АҚШ долларини ташкил қилди. Тақдимот маросимида ушбу кўрсаткич икки мамлакат салоҳиятиға мос эмаслиғи ва ўзаро ҳамкорликни янги поғонаға кўтариш учун кенг имкониятлар мавжудлиғи қайд этилди.

Тошкент ҳохимлиғи ва ишбилармон доиралари делегацияси аъзолари ва Бельгия компаниялари вакиллари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Уларда иқтисодиётнинг турли йўналишларида аниқ сармоявий лойиҳаларни амалға оширишдаги ҳамкорликни ривожлантиришға келишиб олинди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари, шунингдек, Нидерландиядаги Зотермейер шаҳри-

**Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА,
Брюссель**

Табиат ва инсон

КЎЗГУДА АКС ЭТГАН ҚИЁФА

Зоологлар ва ўрмончилар Хиндистонда 1 минг 827 йўлбарс борлигини ҳисоблаб чиқдилар. Ҳолбуки, ўтган аср бошида бу ерда чакалакзорлар ҳукмрони салкам 40 мингга етарди. Маҳаллий ва келгинди овчи тўралар дастидан бенгал йўлбарслари хавфли ҳалокатга йўликти. Баъзан овчи тўралар ўзларининг «рекорд»лари билан мактабни, кўкракларига урардилар. Чунинчи, 1953 йил Саргураха исми кимса ўз ҳисобидаги мингинчи йўлбарсни отганида худди мана шундай тантана қилган эди!

Хинд табиатшуносларининг таъкидлашларича, бу қирғин фақат йўлбарсларгагина хавф солаётгани йўқ. Тимсоҳларнинг, маймунларнинг айрим турлари, буғулар, охулар қариб қирилиб кетди, ёввойи филлар эса кескин камайди. Ўттиз йилгача ҳеч қим хинд четасининг изини кўролмади. Гужарат штатидаги ўрмонзор Гир массиви — Осиё шери яшайдиган ягона жойдир. Баъзи вақтларда мазкур жонивор ҳаммаси бўлиб бир неча ўнгага тушиб қолди. «Хайвонлар подшоҳи»нинг бу ажойиб тури ҳалокат ёқасида эди.

Хиндистон парламенти табиати кўриқлаш ҳақидаги қонунни тасдиқлаб, миллий парклар ва кўриқхоналарни ташкил этди, камёб хайвонларни овланиш тақиқлади. Худди шу пайтда Хиндистонда машҳур «Йўлбарс лойиҳаси» юзага келди, яъни табиатнинг бетимсол эҳсонини сақлаб қолишга киришилди. Сўнг Деҳлидан 300 километрга шимоли-шарқда, жануби Ҳималай тоғлари табиатининг билимдонни, овчи-ёзувчи Ж.Корбетта номидаги миллий боғча умуммиллий ҳаракатнинг расмий тантанаси бошланди. Шундан кейин бу соҳада жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилди.

— Албатта, кўрикланаётган майдон чегарасини кенгайтиришни истардик, — дейди миллий боғ директори С.В.Сингх. — Лекин Хиндистон шароитида буни рўёбга чиқариш жуда мураккаб. Аҳоли сони тез ўсаётир, 110 миллион киши истиқомат қилаётган бизнинг штатимизда бўш жойлар у қадарлик кўп эмас...

Хиндистон ҳукумати баъзан моддий зарар қўриб ва қўшимча харажатлар қилиб бўлса-да, табиатни кўриқлашга оид тадбирларни ўтказаятир. Ҳозир фақат «Йўлбарс лойиҳаси» теъваригагина 16 минг квадрат километр майдонни ўз ичига олган 11 та йўлбарс кўриқхонаси яратилган ва улар ишлаб турибди. Бу кўрилган тадбирлар ўзини тўла оқлади. 1979 йилги сўнгги ҳисоб-китобнинг кўрсатишича, Хиндистонда йўлбарслар тобора кўпайишига ҳам аник ишонч ҳосил бўлди.

Хиндистон пойтахтидаги табиат музейининг охириги залида заминдаги мўъжизавий ҳаёт оламига ва унинг бойликларига дўстона муносабат ҳақида қаққир бор. Музей экспозициясида Хиндистонда йўқолиб кетаётган йиртқич хайвонлар, шу жумладан Чита тулпарларида иборат улкан стэнд, унинг ёнида каттақон кўзгугу ҳам қўйилган. Ойна ичида йиртқич ҳарфи ёзув бор: «Сиз ҳозир табиат муҳитини сақлаб қолувчи ягона тирик жонни қўриб турибсиз — бу сизнинг ўзингиз!». Хиндистонда бу ойнага тобора тез-тез қараятилар, бу муаммолар устида тобора кўпроқ фикр уриятаятилар ва уларни ҳал этишга киришятилар.

Қатрала

САЛОМ

Ота аста одимлаб, бўйи баландроқ йигитга рўбару бўларкан, «ё тавба!» лаб хайрон. Йигит ҳода ютагандек типпа-тик, икки қўлини чўнтагига тикданча ўтиб боради. Ён-верига қарамас, олисларни қамраб олмоқчидек гердайган.

Ота, бир оғиз ширин сўз — саломнинг нимаси сенга малол келади, дея йўлини тўссинми? Унинг мудроқ қалбидан атайин сўраб олинган саломдан нима фойда?!

Хизматта шошилиб кетаётган бошқа бир йигитнинг эса қўли кўксида: — Ассалому алайкум, отахон, — дейди тавозе билан. Саломдан қулфи дили очилган ота уни дуо қилади. «Отанга раҳмат, умр, ризқингиз Худо барака берсин!». Йўл-йўлақай яна қанча дуо, тилаклар...

Боя гердайган йигитнинг отанин кўнглига солган хиралиги самимий саломлардан сўнг ювилиб, ўрнини равшанлик эгаллади.

ШУМ ТАКА

Қўй Такага ҳамроҳ бўлди.

— Иноқилда яшасак эгамиз биздан озуқани аямайди, — дейди арқонга боғлиқ така. Ичида: «Яшасин, шохининг йўқлиги менга фойда. Шохим билан кўриқтиб, унга тегишли овқатни ҳам еявераман!», дея дик-дик сакрайди. Кўзини сузиб, кўйининг бўйини ялаб-юлкўйди.

Амаки экинзордан бир қучоқ печак қолиб иккисининг ўртасига ташлаиди. Така апил-тапил бўш келмай печакнинг борини олди-га тортиб, бўйинини чўзган кўйига

калла кўйди. Яна бир қалла кўйса арқонини узиб кетадиган. Амаки уни занжирга боғларкан: Ялаб-юлкаб кўйга ажралмас дўстдек бўлиб кўринувдинг, овқат келувдики уни танимай қолдинг, ёв бўлиб ундан ажралдинг», деди таёғини ўқталиб.

Фақат нафсини ўйлаган ҳеч қимга дўст бўлмас.

КИМ

БИЛАҒОН?!?

— Мен баки новдаларни тезроқ қирқишим керак. Бу ишда имиласам новдалардаги узум бошлари майда бибарақа бўлиб қолади, — дейди ўзича тоққайчи, боғбон уни моҳирлик ва чаққонлик билан ишга солаётганида. Тоққайчи боғбоннинг билими ва ҳаракати билан «чик-чик» лаб ишга тушмасиз ўзича билағонлик қилармиди?!

ЎҚНИНГ ТАН

БЕРИШИ

— Биласанми? — деди ёмон сўз Ўқ билан бахшлараркан, — «Қалб жароҳати ёмон» деган гаф мен асос солганман.

— Қандай қилиб? — сўради Ўқ.

— Мен кўпича рақибимнинг қалб уйига қираман-у, чиқиб кетолмай зархини етимиш икки томирига ёйиб, умрини эговлайман... Сен эса рақибингни гоҳ оёқ, кўл, гоҳ қулоқ бурини яра-лайсан. Яралар дори, сабр билан тўзалиб, яна ишлаявереди.

— Кечир, сен билан бахш-лашолмайман, — деди Ўқ ёмон сўзга.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Мунажжим башорати

Ҳаммаси ўзингизга

БОҒЛИҚ

5 МАЙ, ПАЙШАНА

Меҳнат қобилиятингизни тўла ишга солишингиз ишларингиз юришишига ёрдам беради — яъни кутаётган натижаларингиз кўпроқ ўзингизга боғлиқ.

Мунажжимлар бугунги кунни қутилмаган янгиликлар, сир-синоатлар билиб олинмаган кун дейишади. Тушингизда ёки ҳаёлингизда келажакнингизни таъсавву қўлишингиз ёки ўтмишингизни идрок этишингиз мумкин. Лекин шунга қарамай, фаол ва дадил ҳаракатлар қилишдан воз кеча кўрманг - харидлар, пул алмашувлари, мулоқотлар ва сафарлар хайрли бўлади. Бугун қилаётган хатти-ҳаракатингизни чуқур идрок этишингиз ва улар учун жавоб бера олишингиз талаб этилади.

Очиқ ҳавода сайр қилиш, табиат қўйида бўлиш фойдали. Қуёш кўтарилишидан сал олдин бошланадиган Ойнинг 27-кунни рамзи шуни тақозо этади. Табиатдан бевосита баҳраманд бўлиш руҳингизни тинчлантиради, юрагингизга қувват, ўзингизга куч-қудрат бахш этади.

Бугун қуёш тақвимининг 16-кунни ҳисобланади ва шу кунни ўйланмай берилмаган ваъдалардан тийилиш, гапларингизни қўққа соғурмаслик талаб этилади. Бугун кимларгадир берган ҳар қандай ваъдангизни тўла адо этишингиз керак бўлади.

Бугун, мабодо, бир хил шаклдаги булутларни осмонда уч бор кўрсангиз - буни яқин орада ҳаётингизда рўй берадиган ўзгаришлардан огоҳлантириш деб билинг. Ёмғирда қолиш, камалани кўриш ёки қулдуз учинини томоша қилиш - яхшилик аломатлари ҳисобланади. Бирор нарсанинг ёниб кетиши ёки қалит йўқолиши ёхуд синиши ноқуш ҳолатларга ишорадир.

Бу кеча қўриладиغان тушларингиз башорати бўлади ва ўнгидан келиш эҳтимоли кўпроқдир. Қаттиқ чарчамасликка интилинг, кўзларингизни зўриқтирманг. Чунки кўз ва бош мия қон томирлари бир мунча заифлашган бўлиб, касалликларга берилувчанлик эҳтимоли оқдотдагидан кўчирик сезилади. Тром-бофлебит (томирларда тугунчалар пайдо бўлиши) ва лимфа безлари хасталиклари зўрайиши мумкин. Доронлик ва қон қуйдириш мумкин эмас.

Кийинишда кўк ва олтин ранг либосларга устуворлик бериш керак. Яшил, кизил ва жигарранг кийимлардан узоқроқ бўлинг.

БУГУН:

- ишлаб чиқаришга оид ва бошқа муаммоларни ҳал этиш;
- анча-мунча тигиз режимда меҳнат қилиш;
- бошлиқлар ва катта ёндағилар билан мулоқотда бўлиш;
- спорт ва жисмоний меҳнат билан шуғулланиш;
- қўқат уруғларини селиш, илдиз мевали экинлар кўчатини ўтқазмиш;
- характер ва иродангизни намоён этиш;
- ўзингиз анча тез уддалайдиган ишлар билан машғул бўлиш тавсия этилади. Дижат бўлиш, ўжарлик қилиш, зичналик, рўзгор ишларингиздан хаддан зиёд берилиб кетиш, ўзингиз ва бошқалардаги ожиз жиҳатларга ён беришдан ўзингизни сақланг.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИНАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИНАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатлаиб банд солинган қўйидаги автотранспорт воситаларининг очиқ кимошди савдоси ўтказилади.

2005 йил 7 июнь кунни қўйидаги автотранспорт воситалари кимошди савдолари ўтказилади:

1. "Газ-31029" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AZ 048, бошланғич нархи 1 181 066 сўм, техник соз;
2. "Хундай Старекс" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 528 156 сўм, техник соз;
3. "Мерседес-Бенц-280" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси X 761 LPM, бошланғич нархи 10 000 000 сўм, техник соз;
4. "Ауди А8" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси А 864 SFM, бошланғич нархи 9 000 000 сўм, техник соз;
5. "Ваз-21070" автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 Т 44-07, бошланғич нархи 1 260 000 сўм, техник соз;
6. "ГазСаз 33507" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 Р 10-49, бошланғич нархи 350 000 сўм, техник соз;
7. "Газел 3302" автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AW 444, бошланғич нархи 5 700 000 сўм, техник соз;
8. "Ваз-21063" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 О 53-07, бошланғич нархи 812 000 сўм, техник соз;
9. "Иж-2715" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 1 232 138 сўм, техник соз;
10. "Ваз-21043" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 799 267 сўм, техник соз;
11. "Ваз-21043" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 821 566 сўм, техник соз;
12. "Газ-2217-5304" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 6 341 426 сўм, техник соз;
13. "Киа-прайд" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 1 500 000 сўм, техник соз;
14. "Тико" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 V 5491, бошланғич нархи 1 093 020 сўм, техник соз.

Кимошди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади. Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими биносидан ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

"POYTAХT AUKSION" ДУК томонидан 2005 йилнинг 5, 12, 22, 26, 29 апрель кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қўйидаги объектлар сотилганлигини маълум қилади

Қўйидаги автотранспорт воситалари:

- Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банкининг д/р 10АИ 140 бўлган УАЗ 31514-10 русумли, 500000 сўмга. Тошкент вилояти ИИБ Автохўжалигининг д/р 02-00 ТШБ бўлган Газ-2410 русумли, 700000 сўмга. «Марлин балик» ШКнинг д/р 10АН 633 бўлган «Матиз» русумли, 3 100 000 сўмга. «Коммунал хизмат дирекцияси» ШХЖнинг д/р 10 АР 927 бўлган ГАЗ-31029 русумли, 960000 сўмга. Давлат дон инспекциясининг д/р 10 АВ 595 бўлган «Нексия» русумли, 3000000 сўмга. Солиқ коллежининг д/р 10 АЛ 473 бўлган ГАЗ-24 русумли, 430000 сўмга. Тошкент Давлат юридик институтининг д/р 10 АК 148 бўлган «Дамас» русумли, 1700000 сўмга. Давлат дон инспекциясининг д/р 10 АВ 605 бўлган «Нексия» русумли, 2600000 сўмга. Биорганик кимё институтининг д/р 10 АВ 078 бўлган ГАЗ-31029 русумли, 1110000 сўмга. «Тошкентвино» ОАЖнинг д/р 10 АФ 734 бўлган Опел Омега русумли, 15700000 сўмга. Ҳамда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг қўйидаги автотранспорт воситалари: д/р 10 АР 607 бўлган «Дамас СТД» русумли, 2050000 сўмга. д/р 10 АР 590 бўлган «Дамас СТД» русумли, 2050000 сўмга. д/р 10 АР 592 бўлган «Дамас СТД» русумли, 2050000 сўмга. д/р 10 АР 593 бўлган «Дамас СТД» русумли, 2050000 сўмга. д/р 10 АН 163 бўлган «Москвич ИЖ-2715» русумли, 700000 сўмга. Шунингдек Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, А.Дониш кўчасида жойлашган, яқна тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,015 га бўлган ер участкасига эгалик ҳуқуқи, 900000 сўмга сотилди.

Спорт

**ОМАД
ТИЛАЙМИЗ**

Маълумки, кейинги йилларда велосипед спорти бўйича юртимиздан кўплаб иқтидорли спортчилар етишиб чиқди. Бу ҳамюртларимизнинг халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашларида ўзига хос замин вазифасини ўтамоқда.

Бугун беш нафар кучли велоспортчилардан ташкил топган мамлакатимиз терма жамоаси Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида ўтказилган нуфузли аънавий халқаро турнирда қатнашиш учун жўнаб кетди. Мусобақалар 7-14 май кунлари бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йилги ҳам спортчиларимиз Сеулдаги мазкур мусобақаларда қатнашишган бўлиб, умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллашганди.

**ГОЛИБ
БЎЛИШДИ**

Наманганда ўн етти ёшли ўсмирлар ва қизлар, шунингдек қора белбоғ соҳиблари ўртасида тазквондонинг IGF тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, нуфузли мусобақалда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган юздан ошқ энг кучли ёш тазквондо усталари галаба учун кураш олиб боришди.

Кутилганидек, шаҳримиз тазквондочилари кўплаб вазн тоифаларида голиблар сафидан жой олишди, совинриги ўринларнинг соҳиблари бўлишди. Ҳакамлар ҳайъатининг ҳисоб-китобларидан сўнг эса умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти тазквондочиларидан ташкил топган терма жамоа биринчи ўринни эгаллаганлиги маълум бўлди. Наманган ва Бухоро вилоятлари спортчилари иккинчи ва учинчи бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

«Файз таъминот савдо-Г.Т.С» масъулияти чекланган жамияти тугатилди. Давълор эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 148-14-23 телефони орқали қабул қилинади.

Гафур Фулом номи 169-мактаб маъмурияти ушбу мактабда узок йиллар тарбиявий-ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосари бўлиб ишлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

**Нажмиддин
ФУЛОМНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ кўпгина спорт турлари қатори кикбоксинг ҳам жадал ривожлана бошлади. Агар ушбу спорт турининг тарихига бир қур назар ташласак, унинг милоддан аввалги 3 минг йиллик ўрталарида қадимги Бобилда пайдо бўлганлигини кўриш мумкин. Кикбоксинг замонавий спорт тури сифатида эса ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШда оммалаша бошлади. 1972 йилга келиб, машҳур спортчи ва киноактёр Чак Норрис кикбоксингнинг «KICK» турини расман рўйхатдан ўтказди.

ШАҲРИМИЗДА КИКБОКСИНГ:

КЕЧА ВА БУГУН

Мамлакатимизда кикбоксинг билан шуғулланиш 80-йилларнинг охириларида бошланди. 1998 йилда Ўзбекистон Кикбоксинг федерациясининг ташкил этилиши юзлаб спортчиларимизнинг нуфузли мусобақаларда мукофотларни кўлга киритишларига замин яратди. Айниқса, тўрт қарра жаҳон чемпиони Олмос Юсуповнинг «Ўзбекистон ифтихори» ордени билан мукофотланиши мамлакатимизда ана шу спорт турига берилаётган катта эътиборнинг ифодасидир.

Куни кеча республика Болалар кутубхонасида «Сихат-саломатлик йили» муносабати билан «Ўзбекистон ифтихорлари» номи тadbир ўтказилди.


Унда Мирзо Улуғбек туманидаги 64-ўрта умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчилари ҳамда шаҳримизнинг бир қатор таниқли кикбоксинг усталари — 2003 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатининг қумуш медали совриндори Аҳрорхўжа Ёқубхўжаев, 2005 йили Грецияда ўтказилган кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатида бронза медалига сазовор бўлган Бахтиёр Шермухамедов, 1999 йилда Португалиядаги жаҳон чемпионатида бронза медалига лойиқ деб топилган Музаффар Жуманиёзов, профессораллар ўртасидаги Осиё чемпиони Незьмат Бобомуродов, халқаро турнирлар голиблари Рустам Назаров ҳамда Отабек Сиддиқов ва ниҳоят республика чемпиони Баҳром Аминовлар иштирок этишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда шаҳримизда кикбоксинг билан мунтазам шуғулланаётган истеъдодли ёшлар анчагина. Юнусобод тумани, 17-мавзёда жойлашган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлими тасарруфида спортнинг ана шу тури билан кенгроқ шуғулланиш имкони бор. Таҳрибали мураббий Шухрат Абдуллаев етакчилигидаги спортчилар мамлакатимиздаги ва халқаро миқёсдаги нуфузли турнирларда иштирок этиш учун қизгин тайёргарлик олиб боришмоқда. Етакчи кикбоксинг усталари қаторида Темура Муҳаммаджонов номи фахр билан тилга олиш мумкин. У 12 ёшлигидан бошлаб Шокира Зокирова ҳамда Сардор Тошхўжаевлар қўлида кикбоксинг силрлини ўрганган. Темура дастлаб, 2004 йилда Грецияда ўтказилган Осиё чемпионатида, сўнг бир неча бор жаҳон чемпионатларида совриндор бўлган.

Энди бевосита тadbир тафсилотларига қайтадиган бўлсак, ўзаро мулоқот,

савол-жавоб руҳида ўтган кеча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Спортга меҳр кўйган, кикбоксинг билан мунтазам шуғулланишни ниёт қилган мактаб ёшидаги ўсмирлар ўзлари кизқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

— Бугун менинг ҳаётимда унутилмас воқеа содир бўлди, — дейди 64-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Собир Тўхтаев. — Негаки бугун мамлакатимиз, қолаверса шаҳримиз фахри бўлган кикбоксинг усталари билан жонли мулоқот ўтказдик. Шу баҳонада Ўзбекистон Кикбоксинг федерацияси томонидан нашрга тайёрланган «Мусобақа ўтказиш қоидалари» номли китоб билан ҳам яқиндан танишдим. Шулардан келиб чиқиб, ке-



лажакда мен ҳам кикбоксинг устаси бўлмоқчиман.

Ҳа, ёшларнинг ниятлари бисёр. Орзуларга эса айб йўқ. Зотан бугун йирик учрашуларда муваффақиятларни кўлга киритаётган иқтидорли кикбоксингчиларимиз ана шу ёшда юксак мақсадларни кўзлаб йўлга чиққан бўлса ажабмас.

Хумоюн АЛИЕВ

Футбол

**САФАРДАГИ
ГАЛАБА
ЎТГАН КУНИ**

Фузурда ўтказилган «Шўртан» - «Локомотив» жамоалари учрашуви билан мамлакат ўн тўртинчи миаллий чемпионатининг бешинчи тур баҳаслари ниҳоясига етди.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, олий лиганинг янги вакили «Шўртан» жамоасига кучлилар сафида тўп суриш осон кечмапти. Тўрт учрашувда ҳали бирор очкони кўлга кирита олмаган мезбонлар пойтахтлик футболчиларга муносиб қаршилиқ кўрсатишди, дея тахмин қилинганди. Дарҳақиқат, биринчи бўлимда ҳар икки томон дарвозаларни ишғол этишининг улдасидан чиқа олмади. Бироқ, таҳриба, маҳорат борасида рақибларидан устунлик қилган темирйўлчилар иккинчи бўлимда меҳмонлар дарвозасига уч марта гол йўллаб муҳим уч очкони кўлга киритишди. Шу кун «Локомотив»нинг моҳир ҳужумчиси Марсел Идатуллин 47, 83-дақиқаларда аниқ ҳаракат қилиб мезбонлар дарвозабонини икки марта хато қилишга мажбур эта олди. Учрашув тугашига санокчи сониялар қолганида Отабек Искабев томонидан киритилган учинчи тўп пойтахт жамоаси муҳлислари кўнглини шод этди. Ушбу муҳим галабадан сўнг «Локомотив» етти очко жамгарган ҳолда турнир жадвалининг етинчи погонасига кўтарилиб олди.


Миллий чемпионатнинг олтинчи тур беллашувлари 5, 6, 7-май кунлари бўлиб ўтди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

- ◆ Кофе дамлашдан олдин сувга бир чимдим туз ташлаб юборилса, кофенинг хушбўй хиди янада ортади.
- ◆ Оширилган хамир бетига бир озгина чучитилган пахта ёғи сурсангиз, қўлингизга ёпишмайди.
- ◆ Тухумнинг сариғини қолдириб, фақат оқини ишлаштиш лозим бўлиб қолса, тухумни икки томондан йўғон игна билан тешиш керак. Шундай қилганда тухумнинг оқи оқиб тушади-ю сариғи қолади. Бу тухум сариғи бир неча кунгача бузилмай туради.

- ◆ Эмаль қопланган идишлардаги занг доғи сиркага хўлланган доқа билан артганда кетади.
- ◆ Кленка совун ва сода қўшмасдан илиқ сувда ювилса, ёрилмайди. Кленкани сирка қўшилган сутга латта хўллаб артиш ҳам мумкин.
- ◆ Сувни қочган ноини хўлланган сочқича ўраб, намиқтириб, ҳар икки томони қиздирилса, юмшоқ бўлади.
- ◆ Тозаланган балиқни иссиқ сувга бир марта ботириб олсангиз тангачалари кўчарди.



— Кўрдингизми қўши, иложини топдик.

Абдуракул Ҳакимов чизган расм.



**Бош муҳаррир
Акmal АКРОМОВ**

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-93, 136-37-65,
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
3724 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонино мувожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбоа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Булок Турон» кўчаси, 41-уй.